

## КИБЕРМАКОНДА МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАРНИ ИНСОН ОНГИГА ТАЪСИРИ

Б.Э. Закиров

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети  
“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси юридик фанлар  
номзоди, доцент

**Аннотация:** Уибу мақолада кибермаконда, яъни интернет оламида дин, экстремистик ва террористик ташкилотларнинг уибу ҳалқаро тармоқдан ғаразли мақсадларида фойдаланаётганликлари, ахборот истеъмоли маданияти тўғрисида маълумотлар ёритилди.

**Калит сўзлар:** Кибермакон, виртуал олам. психонавигацион саёҳат, Интернет ижтимоий тармоқлари.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается использование этой международной сети религиозными, экстремистскими и террористическими организациями в киберпространстве, то есть в Интернете, и культура потребления информации.

**Ключевые слова:** Киберпространство, виртуальный мир. психонавигационное путешествие, интернет-социальные сети.

**Annotation:** This article discusses the use of this international network by religious, extremist and terrorist organizations in cyberspace, that is, the Internet, and the culture of information consumption.

**Keywords:** *Cyberspace, virtual world. psycho-navigational journey, Internet social networks.*

Экстремизм ва терроризм инсоният билан бирга XXI асрга кириб келган энг хавфли ижтимоий иллатлардан бирига айланди. Экстремизм бағрикенглик, ранг-баранглик ва ҳамфикрлиликни рад этиши билан мамлакат тараққиёти ва фуқаролараро ҳамжиҳатликка раҳна солади.

Экстремизм ва терроризм нафақат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳаларига заарар етказади, балки жамиятга оммавий тарзда психологик босим ўтказиб, энг мудҳиши шакллардаги зўравонлик ва агрессивлик мафкурасини ёяди. Шу нуқтаи-назардан, жамиятда диний асосда низолар чиқишига йўл қўймаслик, динни сиёсийлаштириш ва сохталаштириш орқали мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш давлат ва жамият олдида турган ҳаётий муҳим масалалардан биридир.

Бугунги кунда ҳаётимизни ахборот технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки, ҳар бир кунимиз ахборот технологияларга зарурият туғдирмоқда. Дунёда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янгиликларни албатта биз интернет тармоғи орқали оламиз. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, интернет, ахборот тизимлари ва ахборотни етказувчи дастурий таъминотлар бугунги куннинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Бирок, бунда ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали

уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам ғоявий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият қасб этади. Бундай жараёнларни амалга оширишда эса кибермакон қулай муҳит манбаига айланиб улгурган.

“Кибер” сўзи қадимги грекча сўз бўлиб, кема бошқарувчисига нисбатан ишлатилган. Кибермакон дунё компьютер тармоқларининг “виртуал” умумий мажмуи. Ушбу атама 1984 йилда Уилям Гибсоннинг “Нейромант” (“Neuromancer”) романида қўлланилган, ҳозир эса глобал ахборот маконини ифодалаш учун ишлатилади. Телефон сұхбатлари, “чатлар”, турли онлайн баҳслар, компьютер алоқаси кибермаконда амалга оширилмоқда. Виртуал воқеликка кириб боришнинг замонавий воситалари сифатида қуидагиларни айтиш мумкин: интернетга чиқиш имконияти мавжуд мобил телефонлар; онлайн пультли ўйинлар; видеоқурилмалар; тармоқдан ташқарида фойдаланиш имконини берувчи дастурний таъминотлар. Бу қаби воситалар кибермакондан эркин фойдаланиш имконини яратиш билан бир вақтда, мазкур макондаги хавф-хатарларнинг кўз илғамас даражада юқорилигини англатади.[1,Б. 213-214]

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Киберхавфсизлик марказини маълумотига кўра, Ўзбекистонда 25 млн. нафардан ортиқ интернет фойдаланувчилари мавжуд. Ўтказилган таҳлил натижалари бугунги кунда мамлакатда кибержиноятчиликни ўсиш тенденцияси кузатилаётганлигидан далолат бермоқда.

Сўнгги 3 йилда кибержиноятлар сони бир неча баробарга ошиб кетган, жумладан кибержиноятчиликнинг бир қатор турлари содир бўляяпти:

- Фирибгарлар пластик карта фойдаланувчиларига келган СМС – хабарномадаги кодларни тўловни амалга ошириш, ютуқни бериш каби баҳоналар орқали эгаллаб, ундаги маблағларни ўзлаштириш;
- Шахсий маълумотларни эгаллаш ва уларни ошкор қилиш билан қўрқитиб товламачилик қилиш(кибертовламачилик);
- Ижтимоий тармоқда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, ҳақорат, суицид ҳолатлари (кибербуллинг) ва бошқалар.

Қайд этилишича, ахолининг барча қатламларини кибертаҳдидлардан барвақт огоҳлантириш ва интернет тармоғидаги содир этиладиган жиноятлар қурбонига айланиб қолмасликни олдини олиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.[2]

Оммавий коммуникация соҳасидаги технологик тараққиётнинг янги босқичидан дарак берувчи яна бир муҳим воқеани, яъни XX аср охири – XXI аср бошларида бутун дунё бўйлаб Интернетнинг тарқалишини эслатиб ўтмай иложи йўқ. Интернет вертуал маконда ахборот оқимларини тартибга солиш ва бошқариш учун қонунчилик баъзаси мавжуд бўлган ҳолатда видеоконференциялар ўtkазиш ва ҳар қандай хабарни кўплаб фойдаланувчилар билан бўлишиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда кўплаб йирик терористик гурухлари Интернетдаги электрон сайтлардан кучли ахборот ва

ташвиқот воситаси сифатида фойдаланмоқда. Айрим террорчилик ташкилотлари инқироз шароитида турли хил ОАВнинг салоҳияти ва ишлашини ўрганишга масъул бўлган жамоатчилик билан алоқалар вакилларига эга. [3,-Б. 245-246]

1970 йилларнинг охирида модем дастурининг яратилиши Интернетни илк маротаба академик мақсадлардан бошқа йўналишда фойдаланиш имкониятини вужудга келтирди. Натижада форумларда фикр қолдириб, ёзишмаларга жавоб бериш мумкин бўлган жараёнлар ривожланди. Форумларда турли мавзуларни, хусусан, диний-маънавий масалаларга фикр билдириш, муҳокама қилиш оммалашди.

Форумлардан кейинги босқич – бу маълум бир кишилар қизиқишлари доирасида ташкил этилган маҳсус гурухлар.

*Бугунги кунда кибермаконда диний жараёнлар қўринишлари қўйидаги шакларда намоён бўлади:* мулоқот, маълумот, таълим ва тажриба алмашиш, маркетинг, миссионерлик ва табобат.

Интернет имкониятлари инсонларнинг **мулоқотга** киришиш ва муайян мақсаддаги фикрлар алмашувидаги ижтимоий тармоқларга боғдана олиш имконини беради. Христиан жамоалари ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, инсонлар онлайн жамоаларга мулоқотга киришиш мақсадида аъзо бўладилар. Бир қатор олимлар виртуал мулоқотни шунчаки “ижтимоий ҳаётнинг иллюзияси” ёки “оффлайн” дунёда жамоаларнинг яхшиланишига олиб келувчи восита сифатида эътироф этганлар.[4]

Ҳозирги кунда аъзолар ва аъзо бўлмаганлар орасида компьютерлаштирилган **маълумот олишга** эҳтиёжнинг ортганини етакчи диний ташкилотлар ҳам таъкидламоқдалар. Диний маълумотларни тарқатишида электрон диний маълумот тарқатувчи “блоггерлар” ёки “блоглар” компьютерлаштирилган мулоқотнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Авваллари кенг тарқалмаган муқаддас матнлар ва ундан кейинги ўринларда турувчи маълумотларни эндиликда исталган киши веб сайтлардан юклаб **таълим** олиш имконияти мавжуд. Шу мақсадда фойдаланувчи исталган ҳажмдаги маросимлар шаблонларини юклаб олиб диний маросимларида иштирок этиш мумкин. Кўпчилик бундай жараёнларни аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарнинг дезагригацияси (таназзули) ёки билимларнинг демократлаштирилгани деб қабул қиласидилар. Бошқалар эса диний фаолиятдаги узилиш ва анъаналарнинг йўқотилиши деб биладилар.

Сузиб чиқувчи ва ёдга солувчи 10 дақиқали маънавий машқлар тажриба орттиришга имкон беради. Замонавий суфийлар интернет орқали бундай алоқалар воситасида муршид ва мурид ўртасидаги ўзаро муносабатлар яхшиланаётганини эътироф этадилар. Шунингдек, Интернет-радио каби янги технологик имкониятлар ёрдамида тингловчиларни “психонавигацион саёҳатга” чорлайдилар.

Муқаддас матнларнинг **маркетинги** интернет орқали катта бизнесга айланди. Диний ва маънавий эҳтиёжга мос келадиган барча нарсани сотиб олиш мумкин. Жадал суръатларда “подкастлар”, веб-

сайтдан MP3 плеер, “i-Pod”ларга юкланаётган аудиодастурлар, хусусан, маърузаларни ҳамда диний танишув сайtlари мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, кибер-зиёратга бориш ёки Ҳиндистондаги муқаддас жойларда “пуджу”ни амалга оширишлари, Сикхлар эса ҳар куни Амритсардаги Олтин харамдан ўқилаётган Гуру Грантха Сахибнинг муқаддас китобини эшлишилари мумкин.

Мулоқотга киришишнинг яна бир кўриниши бўлган **миссионерликни**, унинг муаммоли жиҳати шундаки, янги мурожаат қилганларни динга тарғиб қилиниши агрессив руҳда амалга оширилаётганидадир.

Тенессе университети Дин, Медиа ва Маданият йўналиши талабалари берган маълумотга кўра, ўзларини “кибер-евангелистлар” деб атовчи баъзи христианлар мусулмонлар билан онлайн мулоқотга киришиб, уларнинг ақидалари ва амалиётлари ҳақида баҳслашганлар. Улар “бот”нинг янги феномени, яъни чатларга Библия матнларини етказиш учун сузиб чиқувчи дастурлар орқали матнли маълумотни (худди пайдо бўлувчи ойна каби) бир лаҳзада юбориш имкониятидан фойдаланадилар. [5]

Кибермаконда турли касалликларга даво ва муаммоларга ечим топиш кенг ривожланмоқда. Гуру, евангелистлар, маслаҳатчи экстрасенсларга дуоли сўров юбориш ёки диний ва амалий муаммоларга жавоб топиш мумкин. Бунга кўпчиликни мурожаатнинг анонимлиги ва кучли диний етакчининг иштироки жалб этади.

Экстремистик ташкилотлар етакчиларининг видео материаллари интернатдаги “YouTube”, “Instagram”, “Facebook” ижтимоий тармоқларига жойлаштирилиб келинмоқда.

Инсон кибермакондан узоқ вақт фойдаланиши натижасида унда интернет тобеликнинг пайдо бўлиши билан хатарлидир, бундай ҳолатларда олдини олиш учун қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ахборот берувчи воситалардан фойдаланшдан аввал мақсадни аниқ белгилаб олиш;
- шахсий маълумотларни махфий сақлаш, яъни Ф.И.Ш., манзил, телефон, туғилган сана кабиларни очик фойдаланиш мумкин бўлган тармоқларда жойлаштирmasлик;
- нотаниш кишилар ва сайлардан диний мазмундаги хабарлар ва даъватли мурожаатлар кела бошласа, уларнинг таъсирига тушиб қолмаслик мақсадида жавобсиз қолдириб, блокировка қилиш;
- ҳар қандай вазиятда, нимадандир хавотир, диний саволлар вужудга келса, уни ишончли манбалар ва ташкилотлардан олиш.

Юқорида кўриб ўтилган жараёнлар интернет бугунги кундалик турмушимизга чуқур сингиб борганини намоён қилмоқда. Бундай хуружлар ёшларнинг маънавий-ахлоқий, психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи-назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга қаратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ахборотлар оқимидан фойдаланиш бўйича ёшларда соғлом иммунитетни ҳосил қилиш, ижобий томонларини ўргатиш билан бирга, салбий оқибатларидан хабардор этиш муҳим.[6,-Б. 32]

Демак, ҳар бир олинган маълумотни текшириб, асосли ёки асоссиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш турли жавобгарликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади.

Шундай экан, дунёning турли минтаقا ва ҳудудларида рўй бергаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қарашиб ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиласизни дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан асрараш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Diniy aqidaparastlik, ekstrimizm va terrorizmga qarshi kurashning maʼnaviy marifiy asoslari: Oʼquv qoʼllanma/ J.Karimov, D.Yusupova [va boshqalar]. – Toshkent: “Oʼzbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot matbaa birlashmasi, 2021.
2. [www.hordiq.uz/p=249476](http://www.hordiq.uz/p=249476)
3. Gʼoyibnazarov Sh. Islom terrorizmga qarshi [Matn]: monografiya / – Toshkent: «Oʼzbekiston» NMIU, 2021.

4. Professor Dr Toby Seddon. Cyber-security in the European Region: Anticipatory Governance and Practices. The University of Manchester, UK. 2018.

5. Ki Hong (Steve) Chon. Cybercrime precursors: towards a model of offender resources. The Australian National University. 2016.

6. F.Muxamedjonova. Axborot globallashuvi va yoshlar manaviyati. – Toshkent. To‘plam. Yoshlar axborot psixologik xurujlaridan himoya qilish texnologiyalari: nazariya va amaliyat. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari., 2012,

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/042>

## **MARKAZIY OSIYO XALQLARI FALSAFASIDA EROTETIK MANTIQ G’OYALARINING SHAKLLANISHI**

*Xolbabayeva Hilola*

*O’zMU talabasi*

Savol-javob muammosi tafakkur shakli sifatida o’z-o’zidan va ko’pincha falsafaning asosiy rivojlanish yo’llaridan mustaqil ravishda, hattoki o’tmishning buyuk mutafakkirlari asarlarida paydo bo’lgan. Agar bilish jarayonini o’rganishga qat’iy tizimli yondashuvga rioya qilmasa, mavjud fikrlash shakllarini izlashda va tabiiy ravishda ergashishda samimiyl bo’lmasa, u paydo bo’lishi mumkin emas edi. Faylasuflar, ehtimol, Arastudan boshlab, fikrlash shakllarini o’rganishda beixtiyor bu muammoga